

7нчи сентябрда Самаркандда шахар думасининг сайлови бўлуб ўтди. Аммо не тарикада бўлди? Ушбу саволга лойикинча жавоб ёзмок учун мазкур кунда воқеъ бўлгон кўб вахшиёна харакатлар, кийновлар, талон ва такфирларни айнан зикр этуб ўтмок лозим бўладурки, бу аснода кўнглида зарра инсоният хисси бор одамнинг кўзларидан раҳм ва шафкат ёшлари окмаслиги мумкин эмасдур.

Газетамизнинг ўтган ракамларида Самарканд шахар думасининг сайлови хусусида мусулмонлар икки фиркага айрилуб, биринчиси «Шўрои ислом»дан бой, уламолар бўлуб, биринчи нумер, иккинчиси «Захматкашлар иттифоки» бўлуб, булар иккинчи нумер рўйхат хозирлагонлари сабаби ва тафсиюти ила ёзилгон эдики, ушбу тўғруда сўз узайтурмокни ортук кўрмаймиз ва тафрика (айрилуб)га сабаб Самарканд «Шўрои исломия»си бўлгонлиги маълумдур.

Мана ўшал кундан эътиборан «Шўрои ислом» тарафидан кўб бойлар ва муллолар, бечора нодон халк орасида фитна солуб «Захматкашлар» хакида канча тухматлар килдилар... Ораларида бир неча ёшлар борлигини билуб хаммаларини жадидчи ва кофир дедилар... Хатто шўронинг бир неча мўътабар ва мухтарам аъзолари махаллаларга боруб (ваъз ўрнида) захматкашлар ва ёшларни ёмонладиларки, бу воқеанинг шохидлари бордур.

Ана шул сабабли бечора «Захматкашлар иттифоки»нинг барча аъзоси ва тарафдорлари халк орасида жадид ва кофирликга от чикоргон эди. Шундай бўлса хам, «Захматкашлар жамияти» маъюс бўлмади, тек турмади, кеча-кундуз харакат кидди. Ўзини мудофаа этди. Бир неча баённома ва хитобномалар таркатиб халкнинг кўзини очди, секин-секин хейли одамларни ўз тарафига олдики, охириги кунларда буларнинг адади бир неча мингга етган эди.

Лекин сайлов куни бирдан иш ўзгариб кетди. Кутилмаган воқеалар олдимизга чикди, «Шўрои ислом»нинг халк орасида солгон фитна-фасоди сайлов куни натижа берди. Бечора захматкашлар ва уларнинг тарафдорларидан бир неча кишилар сайлов участка(китъа)ларида шўрочилар тарафидан уруддилар, сўкулдилар, такфир килиндиларки, хозирда алардан бир нечаси ўлум тўшакида ётибдур.

Мундай йирткичлик ва вахшийликни кўруб, бечора халк бирдан кўркушиб колди. Табиий,

жон ширин, хар ким кўркар. Шундай хуррият замонида зулм ва истибдод асари бўлгон мундай каро кунни кўрган халк кўркушидан иккинчи нумерни ташлаб, биринчи нумерга товуш бера бошлади. Шунинг учун сайловнинг эртаси хисобланганда, иккинчи нумерга садо берганларнинг сони 1700 микдоридан зиёда чикмади.

2нчи нумер оз садо олгони учун «Захматкашлар жамияти» хафа бўлуб ўзининг истикболидан умидини узмайдур. Балки жамиятнинг таассуф этуб кайгурмоги шундай хур-риятлик сайлов кунда бир неча гунохсиз кишиларнинг бир жамоа вахшийлар тарафидан хаксиз кийналуб ташланмогидадур.

Ушбу таассуфлик вокеада хукуматнинг хам бир оз тадбирсизлиги сабаб бўлди. Чунончи, хукумат сайлов тўгрисида шунча мухолифат ва низо борлигини билиб туруб сайлов кунда бирор тадбир килмади. Яъни хар участкада акалли 20 нафар аскар кўймади. Агарда хукумат тарафидан шундай тадбир килинса эди, мундай вокеага йўл кўйилмаган бўлур эди.

Хар нима бўлди, энди ўтди. Бу вокеанинг бош сабаби «Шўрои ислом» дур. Бошдан «Шўрои ислом» захматкашлар тарафидан кўрсатилгон 10 нафар номзод кишиларни кабул килуб, ўз сиёҳасига киргузганида ва ё кабул килмагон такдирда, захматкашлар зарарига харакат килмагонда мундай кайгулик вокеалар юз бермаган бўлур эди. Мана шул сабабли демокга хаклидурмизки, ушбу ихтилоф ва фитнага «Шўрои ислом» сабаб бўлди.

*«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 19 сентябрь*